

---

## **ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИДА НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ ...**

**Бугун Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонасида туман ҳокимининг жисмоний ва юридик шахслар учун навбатдаги қабули бўлиб ўтди.**

Аҳоли муаммоларини тинглаш, уларнинг дарду-ташвишига шерик бўлиш, муаммоларини ижобий ҳал этиш, оғирини енгил, узоғини яқин қилиш, бир сўз билан айтганда халқни рози қилиш каби эзгу ишлар давом этмоқда.

Қабул жараёнида туман Халқ қабулхонаси мудирини, туман ҳокими ўринбосарларини, ташкилот ва корхона раҳбарларини иштирок этдилар.

Мурожаатлар иш билан таъминлаш, имтиёзли кредит, субсидия асосида уй-жой олиш, ишлаб чиқариш учун ер майдонини ажратиш, моддий ёрдам, соғлигини тиклаш, кантракт пулини тўлашда кўмаклашиш, нафақа пулларини олиш каби муурожаатлардан иборат бўлди.

Фуқароларнинг муурожаатларини ижобий ҳал этиш уларни давлат идораларига бўлган ишончини оқлаш, энг аввало уларни рози қилиш мақсадида муаммонинг тегишлиги бўйича масъулларга топшириқ ва кўрсатмалар берилиб назорат остига олинди.

Ижтимоий ёрдам, кредит олиш, таълим кредити, газ таъминотидаги муаммолар, электр энергияси, уй-жой қуриш, иш билан бандлик каби масалалар бўйича ҳоким ўринбосарларини, мутахассислар, ҳамда тегишли ташкилот ходимларини йўналишдаги масалалар бўйича фуқароларга тегишли тушунтиришлар бердилар.

**Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2021-03-16 19:27:55